



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 12 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (13.019)

Баҳоси эркин нарҳда

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Истиқлол йилларида қабул қилинган йигирмадан ортиқ қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.



БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ислохотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтирди.

Бугун мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган ўғил-қизлар етакчи куч бўлиб ҳаётга кириб келмоқда. Ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб, эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқаётди. Таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа

кўлаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритган ёш иқтидорлар жўн миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашуви, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум. Демак, бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш, таҳлил этиш, уларга муносиб жавоб топиш, ёшлар билан иш-

лашни янада такомиллаштириш, янги истиқболли дастурларни, самарали механизмларни ҳаётга татбиқ этиш — давр талаби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил

этилган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида II республика илмий-амалий конференциясидан ана шу эзгу мақсад қўланган.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг ютуқлари акс этган кўргазма ташкил этилди. Унда ёш олимлар, иқтидорли ёшларнинг илмий-ижодий ишлари, "Ўзбекистон музейларининг энг сара юз асари" виртуал музей экспонатлари, инглиз тилини ўқитишга ихтисослаштирилган мобил ўйин дастурларининг тақдироти ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда замонавий телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш, жумладан, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини ошириш ва интернет билан қамраб олишни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самарасида сўнгги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 3,3 баробар ошди. Жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқ корхоналари томонидан 2,17 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўсиш суръати 25,4 фоизни ташкил қилди.

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва хизматлар сифатини оширишга қаратилган изчил чора-тадбирлар соҳани жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида интернетдан фойдаланиш каналлари 3 фоизга кенгайтирилиб, секундига 21,25 мегабитга етказилди. Бу оператор ва провайдерларга тақдим этилаётган тезлиги секундига 1 мегабитга бўлган каналлар нарҳини 20,2 фоизгача камайтириш имконини берди.

Юқори тезликда ишлайдиган интернетдан хонадонларда фойдаланиш нарҳи ойига ўртача 40 минг сўмни ташкил этмоқда. Оператор ва провайдерлар ўртасидаги кучли рақобат телекоммуникация хизматлари бозорига юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва нарх барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 120 дан ортиқ интернет провайдер ва операторлар фаолияти лицензиялаштирилган. Улар орасида "Technoprosystem", "DosT Link", "Skyline" масъулияти чекланган жамиятлари, "Buzton", "Sarkor Telecom" қўшма корхонаси, "Unitech", "NetCity" қўшма корхоналари каби компаниялар бор. Ҳар бир провайдер ўзига хос тариф режаси, акция ва хизматларни тақлиф этаётди. Провайдерларнинг аксарияти трафик учун тўлов олмасдан Ўзнет тармоқлари — ТАС-ИХдан юқори тезликда симли фойдаланиш хизматларини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

• **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Банк тизимида хорижий

инвестициялар учун яратилган муҳити" мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

• **ЭРТАГА** пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси

Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги томонидан табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилади.

• **МИРЗО** Улуғбек туманидаги транспорт касб-хунар коллежида "Биз диний экстремизм ва терроризмга қаршимиз!" деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

БОСМА МЕДИА ТУЗИЛМАЛАРГА КЎМАК КЎРСАТИБ

Мазкур комиссия аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, медиа тузилмалар вакиллари қатнашган йиғилишда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг 2014 йил ҳамда 2015 йил биринчи ярмида давлат субсидияси ва ижтимоий буюртмаси бўйича олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳа замон руҳига ҳамохан тарзда фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратиш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига устувор эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада либераллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, ижтимоий шериклиқни кучайтириш, мазкур соҳалардаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича янги уфқларни очмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан телерадиоэшиттиришлар, жамоат назорати, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий

асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид бир қатор янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Соҳага доир амалдаги қонунларга риоя этилиши бўйича парламент мониторинги, мавзуга оид анжуман ва семинарлар мунтазам ўтказилмоқда.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Парламент комиссияси кўмағида оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбатлантириш, ислохотлар жараёнида уларнинг аҳамиятини кучайтириш, кадрларнинг касб малакасини ошириш, ихтисослашувини таъминлаш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга оид бир қатор лойиҳа ва дастурлар ҳаётга муваффақиятли жорий этилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, навқирон авлодни миллий ҳаёт тарзимида зид ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, интернет журналистикани ривожлантириш юзасидан қўллаб-қувватлаш медиа соҳа вакиллари билан ва маҳоратини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми матбуот соҳасининг ривожланиш тенденцияси, келгуси истиқболларини белгилаш имконини берган бўлса, "Эътироф", "Инсон ҳуқуқлари журналисти неғоҳида", "Жамият ва мен" каби танловлар, ёш ижодкорлар учун ташкил этиладиган медиа-оромгоҳлар соҳа ходимларининг маҳоратини чархлаш, таҳлилий материаллар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда фонд фаолиятига доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши та-шаббуси билан Тахтақўпир туманидаги 7-умумтаълим мактабида "Ёшлар тарбиясига эътибор — келажакка пойдевор" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Ургут туманидаги 119-умумтаълим мактабида "Юртнинг посбон ўқувчилари" мавзусида тадбир ўтказилди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда тумандаги ҳарбий қисм томонидан ташкил этилган кечада бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

• Миллий матбуот марказида "Ўзағромушсервис" уюшмаси тизимидаги "Машина трактор паркларини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашда кўрсатилётган имтиёзли лизинг хизматларини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

• Ўзбекистон Экология ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан Нукусда "Баркамол авлодни камолга етказишда экологик тарбиянинг ўрни" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экология ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими мутахассислари, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Индонезиядаги маҳаллий авиакомпанияга тегишли бўлган, икки нафар экипаж аъзоси ва учта йўловчи билан Самосир оролидан шимолий Суматранинг "Куала Наму" бош аэропорти томон парвоз қилаётган вертолёт қўнишига тахминан бир соат қолганида ногаҳон ғойиб бўлган. Ҳозирда уни излаш ишлари давом этмоқда.

• Кеча Чили қирғоқларида — маркази Ильяпель шаҳридан шимолий-ғарбга саксон километр узоқликда бўлган ҳудудда 5,4 магнитудали зилзила содир бўлди. Маълумотларга кўра, ер қимирлаши оқибатида цунамининг юзага келиш хавфи туғилмаган.

• Кеча Сингапурдаги нефть-газ компанияларига тегишли бўлган заводлардан бирида портлаш содир бўлиб, кучли ёнғин келиб чиққан. Натижада куйиш ва угар газидан захарланиш оқибатида бир киши ҳалок бўлди, яна етти киши жароҳатланди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор натижасида бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб, экспорт кўлами ортиб бормоқда. Ушбу соҳанинг ривожланиши ҳисобиغا аҳолининг бандлиги даражаси ошиб, турмуш фаровонлиги яхшиланди. Шу боис давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кўпроқ имкониятлар ва имтиёзлар берилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Қозим Улмасов олган суратлар

Тадбиркорларнинг техника-технология, хомашё таъминоти, маҳсулотларни экспорт қилишдаги ва бошқа муаммолари ўрганилиб, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, маълум бир сабабларга кўра иш фаолияти тўхтаб қолган корхоналарни қайта оёққа тургазиш чоралари кўриляпти.

Яшнобод туманида ташкил этилган конференция-семинарда ҳам тадбиркорлар фаолияти ривожига салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш масалалари борасида сўз юритилди.

Конференция-семинар иштирокчилари мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани, бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар соҳа ривожига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қонунлар юртимизда бо-

зор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини жадаллаштиришнинг мустахкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Яшнобод туманида 4 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бораётган бўлиб, уларнинг қарийб уч ярим мингтагани кичик бизнес тармоғидаги корхоналар ташкил этади. Жорий йилда кам қувватли, фаолият кўрсатаётган корхоналар, бўш турган ва қурилиш тугалланмаган объектларни ишга тушириш ва молиявий соғломлаштириш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. 249 та фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъекти аниқланиб, эллика яқин корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Бунинг натижасида 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Соҳани янада ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш ҳам муҳим ўрин тут-

ди. Бунда айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қулай шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкнини янада қамайтириш ва солиқ солиш механизминини соддалаштириш кичик бизнес ривожига хизмат қилади.

Жорий йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада қучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш, йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга биноан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатига тааллуқли бўлган қирқдан зиёд қонун ҳужжатига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, — дейди Яшнобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи Саидамин Мирзаев. — Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳам ўзгаришлар киритилган. Улар тадбиркорлар фаолиятини текширувида оид ўзгаришлар бўлиб, бунда янги ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлариди текширувлар молиявий ҳўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлмаса ўн календарь иш кунидан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек, режалар текширувларга чиқиш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилган.

Йилигида тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларнинг назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмак бериш борасида атрофлича фикр алмашилди.

— Корхонамизда қурилишда фойдаланиладиган сандвич панеллари ишлаб чиқарилади, — дейди "Техпрогресс" масъулияти чекланган жамияти мутахассиси Гулрух Сағдуллаева. — Иш бошлаганимизда корхонамизда йигирма нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилар эди. Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида бугун фаолиятимиз анча кенгайиб, ишчи-хотимларимиз сони 78 нафарга етди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида асосан ишбилармонлар фаолиятига ҳар хил аралашуш ва турли назоратларнинг қамайиши, солиқ, статистика ва бошқа ҳисоботларнинг қисқартирилиши қорхонанинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тадбирда мутасадди идоралар вакиллари тадбиркорларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

Абдували СОДИКОВ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ

Тошкентда спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида тобора мустахкам ўрин эгалламоқда.

"Lyuks Print Servis" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида тадбиркорларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда

қиймати 300 минг долларлик ускуна харид қилди.

— Айни пайтда кўнига 35 минг донна бир ярим литрлик ҳажмдаги идишларда яхна ичимлик ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона директори К.Абдуқодиров. — Корхона тўлиқ қувват билан ишга туширилган, бу кўрсаткич йилга 10-12 миллион донани ташкил қилади.

Ўттизга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада асосан

махаллий хомашё асосида 7 турдаги яхна ичимлик ишлаб чиқарилаётди.

— Коллежни тамомлагач, шу корхонага ишга қўйлашдим, — дейди М.Рохаталиева. — Бу ерда барча операциялар замонавий техника ёрдамида бошқарилади.

Айни пайтда "Lyuks Print Servis" маҳсулотлари ички бозорга етказиб берилаётди. Истиқболда маҳсулот турини ўнганга етказиш, турли сифимда идишларда қадоқлаш ва экспортни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти томонидан "Суғуртада замонавий ахборот технологиялари" мавзунда матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманлар

СУГУРТА СОҲАСИДАГИ ТИЗИМЛИ ИШЛАР

Тадбирда сўзга чиққан "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Валентина Грибанова ва бошқалар бугунги кунда қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожини замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш мушкулдир, тизимга энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш ахборот алмашинувининг ягона тизимини шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда суғурта фаолиятида иш жараёнлари самарадорлигини оширишда қўл келаяётганини таъкидлаб ўтишди.

— Утган давр мобайнида компания барқарор ривожланиб, суғурта хизматлари бозорида ишончли, барқарор суғурталовчи ҳамда мижозларига ҳамкор эканлигини исботлай олди, — дейди "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти бошқаруви ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш департаменти бош менежери Илҳом Каримов. — Президентимизнинг 2014 йил 3 апрелдаги Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори иқтисодиёт таъминлаш мақсадида компанияда "Молиявий ҳисоб-китоб, ҳисоботлар ва суғурта фаолиятини технология компьютерлаштириш бўйича ахборот тизим мажмуасини жорий этиш" лойиҳаси асосида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида компаниянинг барча бизнес жараёнларини компьютерлаштириш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, лойиҳа замонавий дастурлаш воситалари ва интернет технологияларини қўллаш орқали амалга оширилди. Бу борада компания томонидан аппарат-дастурий мажмуасини харид қилиш ва иш жойларини замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган "Транспорт воситалари ағдарлигини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" Қонунининг самарали ижросини таъминлаш мақсадида компанияда автоматлаштирилган маълумотлар тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги қарорига асосан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга кўра компаниянинг расмий www.kafolat.uz веб-сайти доимий равишда янгиланиб, тақомиллаштирилмоқда. Шунингдек таъкидлаш жоизки, компаниянинг веб-сайти ҳозирги кунда республика давлат тақчилотлари расмий веб-сайтларининг ўн таллигидан жой олган.

2014 йилдан бошлаб компания томонидан кўрсатилган барча суғурта хизматлари, тузилаётган суғурта шарт-

номаларининг барча хусусиятлари, элементлари қайда этилган тарзда "KAFOLAT ONLINE" автоматлаштирилган маълумотлар тизими орқали компаниянинг марказлаштирилган ягона маълумотлар базасида шаклланимоқда. Бу ўз навбатида оператив маълумотларнинг юқори даражада аниқлигини, ҳисоботларнинг тезкор ва хатоликсиз тайёрланиши, бошқарув амалиётида зарур бўлган оператив таҳлилларни қисқа вақт ичида тайёрлаш имкониятини бермоқда.

Анжуман давомида "Транспорт воситалари ағдарлигини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш" (ТВЭФЖМС) бўйича суғурта полисига эга мижозлар учун "SMS-хабар" хизмати ишлаб чиқилган ҳақида батафсил маълумот берилди. "SMS-хабар" транспорт воситалари ағдарлигини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини расмийлаштирган ҳамда шахсий мобил телефон рақамини тақдим қилган ҳар бир суғурталанувчига харид қилган суғурта полиси, унинг амал қилиш муддати ва тўланган суммаси ҳақида хабар юборади.

Компания томонидан Транспорт воситалари ағдарлигини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта муқофотларини ҳисоблаш учун "Android" операция тизими негизида "ТВЭФЖМС калькулятор" мобил иловаси ишлаб чиқилди. Мазкур илова мижозларга мустақил равишда транспорт воситасининг тури, рўйхатга олинган ҳудуд, фойдаланиш муддати ва бошқа кўрсаткичлар асосида суғурта қийматини ҳисоблаш имкониятини яратди.

Автоматлаштиришнинг яна бир босқичи, яъни суғурта хизматларини онлайн тарзда, Интернет тармоғи орқали тақдим этиш ишлари ниятисига етди. Суғурта хизматларини онлайн тарзда олиш учун компаниянинг веб-сайти www.kafolat.uzда мобил телефон рақамини киритиш орқали рўйхатдан ўтиш зарур. Рўйхатдан муваффақиятли ўтгандан сўнг, мижозга шахсий виртуал хона ажратилади. Мижоз ўзининг шахсий виртуал хонасида ўз ҳисоб балансининг тўлдирилганлик тарихини кузатиши, суғурта хизматларидан фойдаланиши, суғуртага оид савол бериши, суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида хабар қилиши мумкин.

Тадбир давомида компания мутасадди вакиллари томонидан келгусида ҳам хизмат кўрсатиш сервисини тақомиллаштириш борасидаги ишларини давом эттириши ва ўз фаолиятида жорий этилаётган янги технологиялар тўғрисида мижозларни хабардор этиб бориши таъкидлаб ўтилди.

Анжуман сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мамлакатимизда аҳолини арзон ва сифатли интернет билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Sarkor Telecom" қўшма корхонасининг маркетинг ва реклама бўйича менежери Темури Солихов. — Компаниямиз ҳам ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Аҳолининг турли қатламлари учун кенг турдаги тарифларни тақдим этмоқдамиз. Бундан ташқари, тўловларни амалга оширишнинг турли усулларини жорий қилганмиз.

Таъкидлаш жоизки, телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш жараёнида фуқаролар, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшайдиган аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда деярли барча магистрал, ҳудудий ва станциялараро алоқа воситаларида оптик-тонали алоқа линиялари қўлланилмоқда. Уларнинг умумий узунлиги 16 минг километрдан ошади. 2015-2017 йилларда яна 6,1 минг километр кенг полсалари оптик-тонали алоқа линиялари ўтказиш режалаштирилган. Бунинг самарасида аҳоли сифатли интернет билан биргаликда видеотелефония, интернет-телевидение хизматлари, шунингдек, HDTV каналлар кўрсатувларини томоша қилиш ва бошқа телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 22 рақамли телевидение каналдан фойдаланилмоқда. Бу аҳолининг 54 фоизини рақамли телевидение билан қамраб олишни таъминламоқда. 2017 йилда телекўрсатувларни ушбу форматда узатишга тўлиқ ўтиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли телекўрсатишга техник ва технологик жиҳатдан ўтиш бўйича давлат дастури тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик жиҳатдан ўтиш дастури бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Маълумотларни юқори тезликда узатиш имконини берадиган 4G (LTE) технологияси мамлакатимизда интернетни ривожлантириш учун қўлланилаётган замонавий технологиялардан биридир. Экспертлар фикрича, телекоммуникация хизматлари бозорининг ушбу сегментини катта имкониятларга эга. Аҳолининг мобил интернетдан кенг фойдаланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимизда "ЕVO" савдо белгиси остида фаолият кўрсатаётган "Super iMAX" масъулияти чекланган жамияти тўртинчи авлод тармоғини фаол жорий этаётган телекоммуникация компанияларидан биридир. Ушбу компания симсиз LTE ва WiMAX технологиялари асосида интернетдан фойдаланиш хизматини тақдим этаётди.

— Ўзбекистонда телекоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётгани самарасида соҳа компаниялари юқори тезликда ишлайдиган сифатли интернет хизматларини кўрсатиш имкониятига эга бўлмоқда, — дейди "Super iMAX" масъулияти чекланган жамиятининг маркетинг бўлими директори Зафар Саломов. — Компаниямиз замонавий тармоқлардан келиб чиққан ҳолда, абонентларга секундига 100 мегабит тезликда ишлайдиган симсиз интернет хизматларини тақдим этмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳри ҳудудининг 97,4 фоизи тўртинчи авлод тармоғи билан қамраб олинди. 2017 йилда мамлакатимизнинг яна 14 шаҳрида LTE тармоғини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида истиқболда қўллаб-қувватлаш белгиланган. Кенг полсалар хизмат кўрсатиш тармоғини янада кенгайтириш, жумладан, 4G (LTE) технологияси бўйича мобил алоқа тармоғини ривожлантириш, катта ҳажмдаги маълумотларга ишлов бериш учун замонавий дата-марказларни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда телекоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётгани жамият ва давлат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги виртуал маконга ўтказиш, аҳоли ва бизнес юритиш учун янада кенг қулайликлар яратиш, ахборот ҳамжамиятининг замонавий талабларини таъминлаш имконини беради.

Мухаммад ҚАРШИБОВ,
ЎЗА

Фан

ЕРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ОРТАДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг ёш олимлари муҳим кашфиётни амалга оширишди.

Ёш олимлар томонидан шўрланган тупроқни ювишда замонавий технологиялар асосида қўлланиладиган янги препарат иختиро қилинди. Полимер композицияни тақомиллаштириш мақсадида яратилган ушбу препарат ернинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, тупроқ шўрланишининг олдини олади, мелиоратив ҳолатини яхшилади. Натижада ернинг ҳосилдорлиги ортади.

(Ўз мухбиримиз)

БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Конференциянинг очилишида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ёшлар ҳаёти, барқарор авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар дастури ҳалқимизнинг эзгу орзу-мақсадларига ҳамоханлиги, мамлакатимизда ақлан етук, ҳисоман соғлом, маънан барқарор авлодни вояга етказиш борасидаги ислохотларнинг узвий давомини ўзида акс эттирган билан аҳамиятлидир.

Олимлар, адиблар, маънавият тарбиячилари, олий ўқув юртиларнинг профессор-ўқитувачилари, иқтидорли талабалар иштирок этган анжуманда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган авлодни тарбиялашда уларнинг турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш, йигит-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитларни яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш борасида олиб борилаётган муҳим чора-тадбирлар, уларни ҳар жиҳатдан янада бойитиш ҳақида сўз борди.

Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маданияти, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент давлат аграр университетини қўшмадаги академик лицей директори Раъно Турдубоева. — "Сиз қонунни биласизми?" талловининг жорий йилги барча босқичида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 55 мингга яқин ёшлари иштирок этди. Талловнинг "Ёшларга оид қонунчилик" — ёшлар нигоҳида" шартли мазкур лойиҳанинг ўзига ҳос жиҳати бўлиб, унда гуруҳлар томонидан таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамалари юзасидан тақдимотлар ташкил этилди.

— Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, ёш иқтидор соҳибларини юзага чиқариш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Давлат Умаров. — Турли давлат муқофотлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилаётган танлов, лойиҳа, ўқув-семинарлар ва фестиваллар изланувчан ёшларни кашф этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳатто қўнмас мулкка эга бўлиши давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Барча ҳудудларда табиий-иклим шароити ва рельефини ҳисобга олган ҳолда, ёш оилалар учун қуриляётган "Қамолот" уйлари мамлакатимизда ёшлар келажакига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Диплод КАРИМОВ

Инсон ва қонун

АҲИЛ ВА ФАЙЗЛИ МАСКАН

Пойтахтимиздаги ҳар бир маҳалла ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яккасарой туманининг “Қушбеги” маҳалласи ҳам шахримизда ўз ўрнига эга бўлган гўзал гўшалардан биридир.

Мана шундай маҳаллаларни ҳалқини севадиган фидойи инсонларгина обод қилади. Шунинг учун ҳам бу гушанинг одамлари маҳалла фуқаролар йиғинига Ҳакимжон Умировдек тиниб-тинчимас инсонни раис этиб сайлашган. У киши ҳозирда нафақада, пойтахт ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник. Кўп йиллар юрт осойишталигини сақлаш йўлида самарали хизмат қилиб, нафақага чиққан бўлса-да, уйда бекорчи бўлиб ўтмади, юрти ва Ватани учун хизмат қилишда давом этмоқда.

Худуд ободлиги, унинг тинчлиги ва осойишталиги бир кишининг хизмати билан йўлга қўйилиши кийин. Маҳалла ҳудудида жойлашган 471-сонли Милция таянч пунктида фаолият юритаётган профилактика катта инспектори, майор Рамиз Фазиллов, профилактика инспекторлари, лейтенант Олимжон Худойберганов, кичик сержант Абдусалом Рашидовлар бу борада асосий ўрин тутишди. Улар маҳалла фуқаролар йиғини раиси, “Маҳалла посбони” жамоатчилик ташкилоти раҳбари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар ишлари бўйича маслаҳатчи, уй, кўча ва йўллар бошқарувчилари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган ҳолда фаолият олиб боришмоқда.

— “Қушбеги” маҳалласида ўн икки мингдан зиёд турли миллат вакиллари асосан ҳовли-жой, шунингдек, кўп қаватли уйларда аҳил-инок истиқомат қилиб келмоқдалар, — дейди Х.Умиров. — Худудимизда битта мактаб, битта мактабгача таълим муассасаси, иккита коллеж, касалхона ва иккита спорт мажмуаси жойлашган. Шунинг учун профилактика инспекторларидан тортиб, маҳалла фаолларига ҳақ фуқаролар билан яқиндан ҳушмуомалалик билан муносабатда бўлишга интилади. Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар эса яхши натижа бермоқда. Бу аҳолининг кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фуқаролар бемалол мувожаат қиладилар. Халқ ишониб мувожаат қилишгани, биз ҳам халққа керакми, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳамма нарса халқ хизматида бағишланган. Маҳалланинг яхши-ёмон кунини, тўй-маъракасида профилактика инспекторлари билан биргаликда бош-қош бўлишга ҳаракат қиламиз. Бунга жавобан фуқароларимиз ҳам ҳаммиса оғош ва ҳушёрлар. Маҳаллага ким келиб-кетаятидиган хабардор

бўлиб, бирон бегона кимса ёки машина пайдо бўлса дарҳол хабар беришга ошқошадилар.

— Маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказилаётган паспорт-виза тизими асосида ҳар бир хонадон кўздан кечирилиб, фуқаролар билан бирма-бир суҳбатлар ўтказиб келинмоқда, — дейди маҳаллада олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, профилактика катта инспектори, майор Рамиз Фазиллов. — Шу билан бирга, бошқа ўқаларга узоқ муддатга кетган шахсларни аниқлаб, қайтиб келганлари билан профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда. Профилактик рўйхатда турувчи, яъни оилавий жанжаллашар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, муқаддам судланганлар ва бошқа турдаги профилактик ҳисобда турганлар устидан доимий назорат ўрнатилган. “Кексаларни эъзозлаш йили” да маҳалладаги ёши улус фуқароларга ҳар томонлама моддий ва маънавий қўмаклашиш ишлари олиб боришмоқда.

Шу билан бир қаторда, маҳалла ёшларининг вақтини бекор ўтказмаслиги, бирор фойдали иш билан машғул бўлишлари ҳам назардан четда қолмагани йўқ. Басараб мактабга бормайдиган ёшлар етмаганларнинг ота-оналарини қачиртириб, дарс қолдираётганлиги сабабини аниқлашми. Ким билади, бугун уларни сураб-сураб суриштирмасак, қаровсиз қолиб кетган болакайларнинг қизиқишлари оқибати ёмон бўлиши мумкин. Шунинг учун худудимиздаги мактаб, коллежлар билан мустақам алоқа боғланган.

Кези келганда айтиш жоизки, “Қушбеги” маҳалласи ҳудудида олиб борилаётган бундай ишларда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, содир этилганини “иссиқ изидан” оқишда, албатта, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги подполковник Ҳакимжон Умировнинг беминнат панд-насихатлари, йўл-йўриқлари жуда аҳамиятлидир. Улар бизни фуқаролар билан мулоқотларда ҳушмуомала бўлишга, қўнчилилик ва хизмат интизоми бўзилишига йўл қўймасликка қорлаб келадилар. Улардан кўп нарсани ўрганиб келаятигимиз хизматда қўл келаятир.

Юртимизда Яккасарой туманида жойлашган “Қушбеги” маҳалласи каби фаровон ва осойишта гўшалар бор экан, тараққиёт сари илдам одимлайверамиз.

Сарвар СОБИРОВ

Шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги ҳимояланган инсонгина келажакка ишонч билан қарайди. Мустақиллик бизга айнан шундай — ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган қудратли давлат қуриш имконини берди. Қайд этиш керакки, инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи демократик давлатнинг муҳим белгиларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиб, уларнинг таъминланишини кафолатлайди.

Ислохотлар оқимида

ХОЛИСЛИК ПРИНЦИПИ

Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг туб мақсади фуқароларнинг шахсий эркинлиги кафолатларининг амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдир. Зеро, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг юқори даражаси — мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини самарали амалга ошираётганлигида кўринади.

Бунинг яққол далили сифатида Президентимизнинг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги 2005 йил 8 августдаги Фармонида мувофиқ 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг суднинг ваколатига ўтказилиши каби тарихий ҳужжатни келтириш мумкин.

Маълумки, қамоққа олиш шахснинг эркинлигини чегаралаш билан бевосита боғлиқ ва шу сабабдан мазкур масала Конституцияимизнинг 19, 25 ва 44-моддаларига асосан айнан суд тартибидида амалга оширилиши зарур. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жиноят содир этганликда айбланаётганларга судга ҳақ бўлган тергов босқичида мазкур процессуал мажбуриятлар чорасини қўллашда суд ҳокимияти ҳуқуқини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари моҳиятан тарихий бўлиши “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” маърузаларида алоҳида таъкидланганлигидек, “Ҳабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши принциплар қадм бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қилинган бугунги кунда қўлгана амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Бу борада миллий суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишнинг мантйқий давомини аниқлашда суд ҳокимияти мустақиллигини мустақамлаш масалалари жиноят ишлари юритувнинг судга қадар босқичларида суд назоратини кенгайтириш, хусусан, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбуриятлар чораларини қўллашда татбиқ қилинишни таъкидлаш мумкин.

2012 йилнинг 18 сентябрыда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг айрим нормаларига, шу жумладан, 29 ва 31 бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбуриятлар чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби қонун мустақамланди.



Ислом Исмоилов билан суд

рамзлари, пойтахт, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар; маъмурий-ҳудудий тузилиш; референдумлар, сайлов тизими; ёшларга доир сибсат; маҳаллий давлат ҳокимияти; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; қўнчилилик ташаббуси, норма ижодкорлиги фаолияти; фуқароларнинг мувожаатлари; уй-жой қўнчилиги, коммунал хизматлар; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; қишлоқ ҳўжалиги; савдо ва хизмат кўрсатиш, транспорт йўл ҳўжалиги; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар; тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; терроризм ва диний экстремизм билан курашиш; фуқаролик муҳофазаси ва бошқа соҳаларга оид норматив-ҳўжатлар.

Булардан ташқари туман (шаҳар) ҳокимлигида — туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади. Ушбу қонун ҳўжатларини туркумлаштирилган ҳисобини юритиш вазифаси юридик хизмат ходимиға юклатилади.

Бунинг самараси ўлароқ, адлия органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳўжуқий ҳўжатларини туркумлаштириш фаолиятига сифат ва самарадорлик сезиларли даражада ошганлигини ҳамда қўнчилиги таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрсатди.

Қолаверса, ўрганишлар натижасида, ҳокимликларнинг норматив-ҳўжуқий ҳўжатларини туркумлаштириш фаолиятида айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ойдинлашиб, бу каби ҳўжатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган тизимли камчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш чораларини ўз вақтида қўллаш лозим.

Шунингдек, иш юритиш ва ижро назорати самарадорлигини ошириш, меҳнат интизоми ва қадрлар билан ишлаш масалаларига, шу соҳага оид тармоқлар фаолиятини мунтазам равишда таҳлил қилиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ва ваколатли идораларга киритиш, қонун ҳўжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш фаолиятини жўнгалантириш, айнан шу фаолият билан шўғулланган мутахассисларнинг билим ва таҳрибасини ошириш, қўнчилилик органлари ва ОАВ билан ҳамкорликни қўнчилиришга асосий эътибор қаратиш зарур. Буни эса ушбу соҳанинг бугунги кўн талаб ва эҳтиёжга мос ва хос бўлган фаолият десак, адашмаймиз.

Феруза КУРГАНОВА,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг
шўъба мудираси

Қарор ва ижро

САРҲИСОБ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “2015-2016 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳўнар, олий ва олий ҳўрбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовлари ақунлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Давлат тест маркази директори ўринбосари Қ.Ҳақбердиев, матбуот хизмати раҳбари Қ.Баймиров Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, таълим мазмунини янги сифат босқичига қўтариш йўлида олиб борилаётган ишлар, тест синовлари жараёнида илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасидаги изчил ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Жорий йилда таълим муассасаларида қабул Президентимизнинг жорий йил 23 июндаги “2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ амалга оширилди. Мамлакатимиздаги мавжуд ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларида бўлиб ўтган тест синовларида 91 мингдан зиёд умумтаълим мактабларининг битирувчилари иштирок этди. Улар учун 11 фан бўйича ўзбек, рус, қоракалпоқ тилларида 10 мингдан ортиқ тест синовлари тўзилди.

Бу йил олий ўқув юртурларига кириш учун 605,8 минг нафар абитуриент ҳўжат топширди ва бир ўринга 10,5 нафар абитуриент даъвогарлик қилди.

Абитуриентларнинг аксарияти тиббиёт, иқтисодиёт, ҳўрбий иш, юриспруденция мутахассислиги бўйича ҳўжат топширган таълим бўлди. 2015 йил Тошкент Тиббиёт академиясининг Фаргона филиалига энг кўп абитуриент ҳўжат топширди. Бу ерда бир ўринга 25,8 абитуриент тўғри келган бўлса, Термиз Давлат университетидида 20, Тошкент Давлат стоматология институтининг Андижон филиалига 19,2 абитуриент ҳўжатини топширди. Анжуманда 2015-2016 ўқув йилида олтига олий таълим муассасасидаги еттига янги таълим йўналиши ташкил этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Булар хитой тили ва филологияси, шарқ фалсафаси ва маданияти, санат қорхоналарида энержоудит ва энержетик текширув, қон электромеханикаси, маркшейдерлик иши, қорпоратив бошқарув ҳамда газначилик йўналишларидир.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИ — МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳўжуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси ташаббуси билан ҳисобот конференцияси уюштирилди.

Унда Истеъмолчилар ҳўжуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмасининг беш йиллик фаолиятига баҳо берилди, келгуси режалар белгиланб олинди.

Тадбир қатнашчилари истеъмолчилар ҳўжуқларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, хусусан, ҳозирда амалда бўлган “Истеъмолчилар ҳўжуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамиятига юқори баҳо беришди. Энг аввало, кейинги йилларда истеъмолчиларнинг ҳам фаол бўлиб бораётганлиги, истеъмолчи ҳўжуқи бузилишига бедарк амалияларни таъкидлаб ўтилди. Шу боис ҳам истеъмолчилар ҳўжуқи бузилганда ҳудудий бирлашмага мувожаатлар келиб тушаётганлиги бу борадаги ишларнинг сифатини янада яхшилашни талаб этиши конференция қатнашчилари томонидан эслатиб ўтилди.

Тадбир якунида бу борадаги ишларни янада яхшилаш, истеъмолчиларнинг ҳўжуқий саводхонлигини ошириш бўйича бажариладиган ишлар режаси белгиланб олинди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

“Қамолот”

ҲЎЖЎҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ёшларни давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан туман Жиноят ишлари бўйича судига таширф уюштирилди.

Ташкил этилган тадбирда Сергели туманидаги ўрта махсус, касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейларнинг фаол ва иқтидорли ёшларидан иборат бир гуруҳ ўқувчилар иштирок этди.

Ёшларнинг сиёсий-ҳўжуқий билимларини ошириш, суд-ҳўжуқ тизимини ислох этиш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, ёнға етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳўжуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳўжуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янги қўнунлар ва ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар тўғрисида маълумотлар бериш тадбирнинг бош мақсади бўлди. Жиноят ишлари бўйича туман суди судьялари Ш.Йўлдошев, М.Қўниева ҳамда Девонхона мудири Х.Қаримова, суд мажлиси котиби Н.Сармоновлар “Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳўжуқбузарликларнинг олдини олишнинг олдини олишда суд тизимининг аҳамияти” мавзусида маъруза қилдилар.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олиб, ҳўжуқий билимларини янада бойитишди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги “ESTETIK EKSPLYUZIV” МЧЖ, “ESTETIK EKSPLYUZIV” хўсусий қорхонаси сифатида шаклини ўзгартиратганини маълум қилади. “ESTETIK EKSPLYUZIV” МЧЖга нисбатан даъволар бир ой ичида қўриб чиқилади. Тел: 150-09-50.



Илоҳом Исмоилов олган суратлар

Президентимиз раҳнамолигида мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фаолият юритаётган "Баркамол авлод" болалар марказлари зиммасига болаларда меҳнатсеварлик кўникмасини шакллантириш, касбга тайёрлаш, Ватанимиз тарихи, археологик ва маданий меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратиш, экология ва атроф-муҳитга оид билимларини мустаҳкамлаш каби вазифалар юклатилган.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани "Баркамол авлод" болалар марказида ҳам ушбу йўналишда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ташкил этилган 19 тўғарақда 500 га яқин бола юқори малакали педагоглар ва моҳир усталар раҳбарлигида шуғулланмоқда. Улар орасида "SOS – Ўзбекистон болалар марказлари" тарбияланувчилари ҳам бор.

– Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда, – дейди марказ директори Шоира Абдужабборовна. – Болаларнинг

қизиқиш ва қобилиятини эътиборга олган ҳолда, уларнинг истеъдодини ривожлантириш бизнинг асосий вазифаларимиздандир. Бу ўғил-қизларнинг келажақда касб танлашида муҳим ўрин тутadi.

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Марказда инглиз тили самарали услублар асосида ўқитилмоқда. Жорий йилдан шахмат машғулоти ташкил этилди. Тўғарақлар учун замонавий ўқув жихозлари ва техник воситалар билан таъминланган хоналар ажратилган. Педагоглар болалар билан ўз тажрибасини ўртоқлашиб, ўзлари ҳам янги техник ва педагогик адабиётларни ўрганмоқда, билимини янада бойитиб бормоқда.

– Бир неча йилдан буён расм чизиш билан шуғулланаман, – дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Жаноҳа Хабибуллаева. – Ўтган йили "Ёш rassom" республика болалар расмлари танлови-

да биринчи ўринни эгаллади. Миллий анъаналаримизни замонавий йўналишлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қиляман.

Мусика асбобларини чалиш, ашула айтиш ва рақс ўрганишни истagan болалар учун доирачилар ансамбли ва "Fiesta" рақс дастаси ташкил этилган. Шунингдек, юқорида тилга олинган қарорга мувофиқ, техник ижодиёт ва экология бўйича тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш нафақат марказда, балки тумандаги яна 17 мактаб қошида ташкил этилган филиалларда ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, марказ томонидан 207- ва 208-умумтаълим мактабларида расм чизиш, рақс, бир

сер тўқиш тўғарақлари ташкил қилинди.

Марказ раҳбарияти тўғарақларга янги аъзоларни жалб этиш мақсадида маҳаллалар, жамоатчилик ташкилотлари, мактаблар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, маданий-маърифий ишлар олиб бормоқда.

Мамлакатимизда мактабдан ташқари таълим умумий таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Мазкур таълим йўналиши бой миллий анъаналаримиз ва маданиятимизни асраб-авайлашнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА муҳбири

Спорт янгиликлари

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Футбол бўйича 2018 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси бўйича саралаш турнири иккинчи босқичи ҳамда 2019 йилда уюштириладиган Осиё чемпионати саралаш турнири доирасида "Н" гуруҳида бўлиб ўтган 5-тур баҳсларидан сўнг Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси пешқадам Шимолий Корея терма жамоасидан бор-йўли бир очкога ортда қолмоқда.

Ҳап шундаки, саралаш турнирининг 5-турида Шимолий Корея терма жамоаси ўз майдонида Филиппин терма жамоаси билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади ва муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

Бу гал Ўзбекистон терма жамоаси сафарда Бахрайн терма жамоаси меҳмони бўлди. Айтиш жоизки, бахрайнликлар доимо ҳамюртларимизга нуқул рақиб саналишган. Тумонлар шу кунгача ўзаро 9 марта кун синашиб икки мартадан ғалаба қозонишган, бешта ўйинда дуранг қайд этилган. Қизғин шундаки, расмий учрашуларда ҳамюртларимиз тўлиқ устунлик қилишди. Биринчи бўлимдаёқ бир неча бор рақиб дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюштирилди. Фақат иккинчи бўлимдагина мезбонлар дарвозаси ҳамюртларимиз томонидан ишол этилди. Дастлабки голни Игорь Сергеев 52-дақиқа-

да киритган бўлса, орадан тўрт дақиқа ўтди Одил Аҳмедов иккинчи голга муаллифлик қилди. Яна 11 дақиқадан кейин Сардор Рашидов ҳам ўз ҳисобига гол эйиб қўйди. Учрашув гўё 3:0 ҳисобида яқунланганидек эди. Аммо, ҳакам томонидан белгиланган қўшимча вақт тугаётганида Элдор Шомуродов тўртинчи голни мезбонлар дарвозасига киритиб муҳлисларимизга 4:0 ҳисобидagi ажойиб ғалабани тақдим этди.

Ушбу муваффақиятдан сўнг гарчи турнир жадвалида ўн очко билан Шимолий корейликлар пешқадамлик қилаётган бўлсаларда ҳамюртларимиз ҳисобида 9 очко мавжуд ва Самвел Бабаян шоғирдлари 12 ноябрда Тошкентда уюштириладиган Шимолий Кореяга қарши баҳсдан сўнг зафар қўчишса биринчи ўринга кўтарилиб олишади.

Хулоса қиладиган бўлсак, йирик ҳисобдаги ушбу ажойиб ғалаба миллий терма жамоамизнинг кейинги ўйинларида ҳам кўтаринки кайфият билан майдонга тушишини таъминлаши турган гап.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидagi Тошкент Бирлашган техника мактабининг картодромидa спортнинг картинг тури бўйича Тошкент шаҳар очик чемпионати ва биринчилигининг 4-босқич мусобақаси ўтказилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Мусобақада 3 та жамоа ва 35 нафар спортчилар маҳоратларини намойён этишди. Мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга, спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Натижаларга кўра Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ўқув СТК" жамоаси 1-ўринни, ТБТМ жамоаси 2-ўринни, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яшнобод ўқув СТК" жамоаси 3-ўринни эгаллашди.

Мусобақа голибларига диплом ва медаллар топширилди.

МАҲОРАТЛИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Сергели туманидаги 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидa "Қамолот" гунаҳалари" анъанавий республика очик турнирининг туман саралаш босқичи ўтказилди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда 24 та умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчи-қизлари бадиий гимнастика бўйича 2 босқичда иштирок этишди.

— Бундай спорт мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика турини оммалаштиришдан иборатдир, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов. — Ташкид-

лаш жоизки, бу каби турнирлар ёш қизларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро маданият-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, спортнинг гимнастика турини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Мусобақа якуни бўйича ёш тоифасига доир юқори натижаларни кўрсатган 5 нафар ўқувчи-қизларга Тошкент шаҳар босқичида иштирок этишлари учун йўлланмалар берилди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси 2015 йил 16 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати (қўли билан 2 йил муддат ичида) ва қўшимча инвестиция киритиш қисқа муддатларда (қўли билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган кон-

вертлар, икки нусхада.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олдин-сўтида шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2015 йил 16 ноябрь кўни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу кўни савдолар бўлмаган тақдирда, 2015 йилнинг 30 ноябрь, 14, 28 декабрь ва 2016 йилнинг 11, 25 январь кўнлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

БИЛДИРИШ!

"Тошкент оқшони" газетасининг 2015 йил 2 октябрдаги №201 (13014)-сонидa чоп этилган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан берилган жадвал кўринишидаги эълоннинг 2-сатрининг 6-устунидаги "4,7513" сўзлари ўрнига "4,8580" сўзлари ўқилсин ҳамда 7-устунидаги "7 160 896,91" сўзлари ўрнига "7 321 702,64" сўзлари ўқилсин.

Қўшимча маълумотлар учун
"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Омборхона бино-иншоотлари	974	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 33-уй	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	28.04.2015 ПП-2340	1 005 610 395	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш;	
2	Қурилиш тугалланмаган соғиб мактабга таълим муассасаси бино-иншоотлари	1851	Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, Роҳат кўчаси, Истибоб маҳалласи	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги "Бектемир-Инвест" ДУК	28.04.2015 ПП-2340	1 021 200 000	- янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати (қўли билан 2 йил муддат ичида) ва қўшимча инвестиция киритиш қисқа муддатларда амалга ошириш (қўли билан 1 йил муддат ичида)	

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш odnookno.uz интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ваколатли орган — "Ерgeo-дезадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг Ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик касб таълими ёҳуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 15 А-уй.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биноси.

Тел: 239-41-12, 239-88-24

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаролар ўзларининг шахсий мулкда бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели тумани, Қўйлиқ-5 даҳаси ва Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳасидан (мўлжал: "Ёшлик" спорт мактаби ҳудудидан ва 5-даҳадаги иссиқхона ҳудудидан) ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота туманидан (мўлжал: Ҳасанбой-5 даҳаси қаршидаги ҳудуддан, Сергели туманидаги машина бозори рўпарасидан) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99871) 239-35-06

(+99894) 688-88-77

(+99890) 357-95-96



Тошкент шаҳрида 13 октябр кўни ҳаво ўзгариб туради, ёнги-гарчилик бўлмайд. Шарқдан се-кундага 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-

11, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 13 октябрь ва 14 октябрь эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити кўни ҳаво ўзгариб туради, ёнги-гарчилик бўлмайд. Шарқдан се-кундага 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-